

✓ Мулоқот

Куни кеча Бухоро Давлат универ-

ситетида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда талабалар, ўқувчи китобхонлар, ўқувчилар, вилоят Ахборот ресурс маркази ходимлари, ҳарбий мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбирда мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Т. Аҳмеджанов, подполковник Э. Толбобоев, университет маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ҳ. Шариповлар сўзга чиқиб, мамлакатимиз ҳарбий техника ва

таълимидаги ўзгаришлар, нафақат жисмоний, балки маънавий ўсиб бораётганлиги, куч ва барқарорликка эга бўлаётганини таъкидладилар.

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят Ахборот ресурс марказининг тажрибали ходимлари Лола Саъдуллаева

ҳамда Лида Ветчинкиналар эса ҳарбий соҳамизнинг таркиби, мақсад, вазифалари, қудратини ифода этувчи қизиқарли, мазмунли китоб кўргазмаси билан иштирок этдилар.

Мақсуда ҲАСАНОВА,

ҲАРБИЙ ҚУДРАТ